

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 18 май, № 96 (4249)

Жума

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ОРОЛБЎЙИГА САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида 17 май куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буурди.



Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қорақалпоғистонда рўй бераётган ўзгаришлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида янгиланишлар одамларнинг турмуш тарзида, онгу шурида ўз инъикосини топмоқда. Бу — Қорақалпоғистон ахлининг заҳматли меҳнати эвазига эришилаётган ютуқларда, шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг қиёфасида, ишга туширилаётган янгидан-янги иншоотларда, ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида янада яққорлиқ намён бўлади.

Эр ҳақиқий эгасини топмоғи керак. Унинг асл соҳиби эса фермердир. Таъбир жоиз бўлса, Юртбошимиз ташаббуси билан муштараклик йилларида мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг тўб моҳиятини ана шундай изоҳлаш мумкин.

Қорақалпоғистонда ҳам фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоқ ёймоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда қарийб 10 минг фермер ҳўжалиғи фаолият ўйлаб бораётти. Шулардан 4,5 мингта яқини пахтачилик, 2 мингдан кўпроғи галпачилик, салкам бир ярим мингтаси полизчилик, яна

мингта яқин фермер ҳўжалиғи чорвачилик ҳамда балиқчилик билан шуғулланади. Утган йили уюлган пахта хирмонининг 98 фоизи фермерлар улушига тўғри келгани ҳам мазкур соҳада ишлар изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистонга сафарини аграр соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишишдан бошлади. Ҳўжайли туманининг "Тошкент" фермер ҳўжаликлари бирлашмаси, шунингдек, Қанлиқ туманидаги "Бескупир" муқобил машина-трактор паркига қарашли Бахт Назаров раҳбарлигидаги "Худайберган Шаншмай" фермер ҳўжалиғи ҳамда Тожихол Эшқобулова раҳбарлигидаги "Ғофир" фермер ҳўжалиғи далаларида бўлди.

Фермер Тожихол Эшқобулова 20 гектар ерда ғўза ва шунча майдонда галла парваришмоқда. Бунда тасарруфдаги ўндан зиёд техникадан унумли фойдаланаётгани кўл келмоқда. Унинг 300 бош қорамоли ҳам бор.

Юртбошимиз билан суҳбат чоғида фермер ўтган йили 30 миллион сўм даромад олиб, иккита кам таъминланган оиллага сизир ҳада

қилгани ва муқаддас ҳаж зиёратига бориб келгани ҳақида сўзлаб берди.

Президент Ислам Каримов қорақалпоғистонлик фермерлар билан учрашувлари чоғида мураккаб иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилаётгани учун уларга самимий миннатдорлик изҳор этди. Кишилариинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечиринишлари учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш уларнинг меҳнат жаҳасида янгидан-янги марраларни эгаллашларида муҳим омил эканига эътиборни қаратди.

Мамлакатимиз сановатида Қорақалпоғистоннинг алоҳида ўрни бор. Ҳўжайли шимша заводи, "Марказий Осие беақ тошлари" қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги қарбид, Нуқуддаги мрамр ва кабель заводлари, "Урга" газ қони, "Элтекс" ва "Катекс" каби ишлаб чиқариш мажмуалари замонавий санавот қорхоналаридандир. Утган йилнинг ёзида улар қаторига Қўнғирот сода заводи қўшилди.

Ушбу йирик завод ўз ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлари билан минтақамизда ягона хисобланади. Мазкур қорхона йи-

лига 100 минг тонна қалцийланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга. Сода ишлаб чиқариш технологияси мураккаб жараён. Ушбу жараён дунёга машҳур "Хонивелл" ва "Сименс" фирмалари компьютерлари тизими орқали бошқарилади. Янги қорхонанинг яна бир аҳамиятли томони — бу ерда бир минг 300 нафар киши меҳнат қилади.

Ислам Каримов завод марказий бошқарув пулти мутахассислари билан мулоқотда бўлди.

2006 йили завод 12,8 минг тонна сода ишлаб чиқарди. Бугунги кунга қадар 9 миллиард сўмликдан зиёд сода сотилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг августидан эътиборан бу ерда ҳар йили 100 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди. Илгари Ўзбекистон кимё сановати учун йилига 70 минг тонна ана шундай маҳсулот четдан келтирилган эди. Эндиликда Оролбўйида ишлаб чиқарилаётган ушбу сода мамлакатимиздаги "Кварц" акциядорлик жамияти, "Фарм-глас" ва "Ғазалкент-ойна" қўшма қорхоналари, шунингдек, ёғ-мой, кимё, металлургия қорхоналарига етказиб берилмоқда. Яқин орада завод маҳсулотларининг ички эҳтиёждан ортиқча қисмини хорижга экспорт қилиш бошланади.


Мамлакатимиз раҳбари Устюрт саҳросида қад ростлаган ушбу ноёб қорхона йирик даромад манбаи, фаровонлик рамзи бўлибгина қолмай, халқимизнинг, аввало, шу заминда истиқомат қилаётган қорақалпоқ элининг гурури ва ифтихори эканини таъкидлади. Завод фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, ишчи-хизматчиларга тегишли шарт-шароит яратиш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги "Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, бир қатор чоралар амалга оширилди. Жумладан, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтининг махсус сирти бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлимнинг ўқув-лаборатория базаси завод ҳудудида жойлаштирилди.

Ҳозир бу ерда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 192 нафар талха тўрт ихтисослик бўйича таъби олмақда.

Президентимиз завод инженер-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари билан учрашди.

— Далаларда, ишлаб чиқариш қорхоналарида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ғайрат-ши-



жоати кўнглини қувонтиради, — деди Юртбошимиз. — Халқимиз истиқлол неъматларига шўқроналик туйғуси билан яшамоқда. Кишилариимиз бахт, озу-ният оғушида, кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими, келажакка — Ватанимизнинг ёруғ истиқболга қатъий ишонч билан қарамоқда.


Президентимиз Нуқуд саҳридаги Болалар ёпиқ спорт саройини бориб кўрди. Барча замонавий шарт-шароитларга эга мазкур спорт масканида бир кунда 500 нафар бола спортнинг 14 тури билан шуғулланиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бу ерда спорт мураббийлари ва спортчилар билан мулоқотда бўлди. Спортчи ўғил-қизларга спорт анжомлари совға қилинди.

Шу кун Президент Ислам Каримов Хоразм вилоятига ташриф буурди. Давлатимиз раҳбари истиқлол йилларида ўзига хос қиёфа касб этаётган Урганч шаҳрида, хусусан, унинг марказий майдонидан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Икки арк, ранго-ранг фавворалар, буюк аждоқимиз ал-Хоразмийнинг Андижон воқеаларига айтилган маҳобатли ҳайкали майдонга ўзгача виҳаб ва кўрк бағишлайди.

Юртбошимиз бу ерда меҳнат қилаётган қорувчи ва муҳандислар билан суҳбатлашди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

16-17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқлашди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари С.Жаббаров кўриб чиқиш учун иккинчи ўқишда киритилган «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Маърузачи таъкидладики, мазкур қонун лойиҳаси маъмурий ишларни кўзга тутиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг аниқ тартибини, маъмурий шикоятлар бўйича иш юришнинг ягона қоидаларини белгилашга, маъмурий тартиб-таомиллар соҳасидаги бошқа масалаларни тартибга солишга қаратилган. Ушбу ҳужжат қабул қилиниши натижасида давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, давлат бошқарувининг муайян масалаларини ҳал қилиш учун тузиладиган ва бунинг учун давлат ҳокимияти ваколатлари берилган органлар ўз фаолиятларини амалга оширишда янада аниқ ҳуқуқий базага эга бўлади, бу эса уларга ўз ишларини маъжуд талабларга мувофиқ такомиллаштириш имконини беради.

Қонун лойиҳасининг савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этди. Муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тақлиф ва кўшимчалар киритилди, мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида баён этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Қонун лойиҳасининг савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамасида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этди. Муҳокама чоғида депутатлар ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор тақлиф ва кўшимчалар киритилди, мулоҳазалар билдирдилар. Қонунчилик палатаси муҳокама чоғида баён этилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари кўмитасининг аъзоси С.Турсунов ахборот берди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш вақтида ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Моддама-модда муҳокама чоғида депутатлар қонун лойиҳасининг айрим нормаларини такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар киритилди. Қонунчилик палатаси ҳужжатга киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитасининг аъзоси А.Журабов «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида ағти қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси Факулдада вазиятларни юзага келган пайтда телекоммуникациялар ресурслари ва тармоқларнинг идоравий бўйсунувдан қатъи назар, ягона марказлашган тезкор бошқарувини таъминлаш зарурати муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, бундай бошқарув авария-тиклаш ва қўқариш ишларининг самарадорлигини анча ошириш имконини беради. Бўлиб ўтган савол-жавоблар ва муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда, қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Ғулوم МИРЗО, Аминбой ОРТИҚБОЕВ, Ўза махсус мухбирлари. СУРАТЛАРДА: таширфдан лавҳалар. Абдувоҳид ТўРАЕВ, Бердиниёв АЛЛАШЕВ олган сураатлар.

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ҚАРОРИ — «ИККИ ЁҚЛАМА СТАНДАРТЛАР»НИНГ ЯНА БИР КўРИНИШИДИР

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 14 май куни Ўзбекистонга нисбатан санкцияларни узайтириш тўғрисида асоссиз ва ноҳолис хулоса қабул қилинган, муносабати билан берган баёноти хорижий мамлакатларнинг давлат, сиёсат ва эксперт доираларида, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида катта эҳ-садо берди.

Хусусан, Франциянинг «Bastille-Republique-Nations» ойлук нашри бош муҳаррири Пьер Левининг фикрича, Европа Иттифоқининг ушбу қарори фактикорининг, адолатсиз ва ҳатто ҳавфлидир.

— Мазкур қарорнинг ғайриқонунийлиги шундаки, — деб таъкидлади П.Левин, — Европа Иттифоқи бутун Европа халқлари номидан гапиришни даъво қилаётган экан, аввало, уларнинг фикрини ўрганиб чиқиши лозим эди. Бу халқлар ҳақиқий воқеадан яхши хабардор бўлганида, мазкур янги қарор уларни қаттиқ таъажубга солган бўларди. Чунки мазкур қарор Европа Иттифоқига аъзо 27 мамлакатнинг таъқиқ сиёсати ва умумий ҳавфсизликка оид сиёсатида икки ёқлама стандартлар мавжудлигига ишоратдан ўзга нарса эмас. 2004 йилдан бери Европа Иттифоқига аъзо Эстонияда рўй берган бир воқеани мисол келтирмоқчиман. Эстония ҳуқумати 1945 йилдаги ғалаба рамзи бўлган ва 60 йил мобайнида Таллин марказида қад

роствал турган ёдгорликни кўчириш ташаббуси билан чиқди. Бу пировардида мамлакатдаги русийзабон аҳоли орасида оммавий норозилик пайдо бўлиб, намоийшлар юз беришига ва уларнинг куч билан бостирилишига олиб келди. Натижада юзлаб одам жароҳатланди. Бир киши ҳалок бўлди. Кўплаб одамлар ҳибсга олинди. Европа Иттифоқи эса бунга эътироз билдириш ўрнига Эстония ҳуқумати билан бирга эканлиги тўғрисидаги баёнотини овоза қилди.

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг адолатсизлиги шундаки, ЕИ Ўзбекистонга икки марта ўз делегациясини жўнатди. Уларнинг аъзоларига Ўзбекистон томонидан фожиали воқеалар юз берган жойларга бориш, у ерда гувоҳлар билан бевосита суҳбатлашиш имконияти яратиб берилди. Амалда эса, воқеаларнинг ҳаққоний манзарасини аниқ кўрсатиб бериш кўплаб далиллар мавжудлигига қарамай, гўё Ўзбекистон айрим Европа давлатлари назарида муқаррар «айб-

дор» бўлиши керак, деган таассурот қолмоқда.

Европа Иттифоқининг ушбу қарорининг ҳавфлилиги шундаки, ЕИ халқро муносабатлар соҳасида ЕИ санкцияларини қўллаш сиёсати одатий ҳолатга айланиб бораётганини кўрсатувчи узининг «ноёб» концепциясини яна бир қарра намён этди. Европа Иттифоқига аъзо давлатлар (Вашингтон сингари) ким қулоқ бўлса, ўша ҳақ, деган ягона қонунга амал қилишдек аянчи иллатта хос аломатларни кўрсатмоқда. Улар ана шу мақсадларига эришиш учун атай ўйлаб топилган «инсон ҳуқуқлари» билан боғлиқ тезислардан фойдаланмоқда. Ушбу ҳатти-ҳаракатларнинг асл замирида эса узокни қўзлаган геостратегик мақсадлар, аниқроғи, энергия манбаларини қўлга киритиш режаси ётибди.

Европа Иттифоқининг мазкур қарори эркин, тенг ва суверен мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик қандай мантқиққа асосланганини нотўғри тушунишнинг яна бир намоийши бўлди.

Миср ташқи ишлар вазирининг ўринбосарининг ёрдамчиси Фарғали Таха Тошкентдаги Миср элчихонасида ишлаган ўша 2005 йилдаёқ қатор Фарб мамлакатларининг Андижон воқеаларига ёндашувига нисбатан салбий муносабат билдирганини қайд этди.

Ф.Таха Миср ҳар доим бу масалада Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаганини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаётганини таъкидлади. У Европа Иттифоқи давлатларининг асоссиз хулосаларини қоралади. Унинг фикрича, Европа Иттифоқининг ушбу позицияси Европа давлатларининг улкан имкониятларга эга Ўзбекистон Республикаси билан муносабатини ривожлантиришга монелик қилади.

Халқаро стратегик тадқиқотлар маркази ижрочи директори Одил Сулаймон Европа Иттифоқи қарорини танқидий баҳолаётган экан, «Фарб давлатлари бошқа мамлакатларда рўй бераётган жараёнларни нотўғри тушуниб, оқибатда террорчилик фаолияти ортда турган бузуқни кучларни ҳимоя қилиб, номуносиб йўл тутмоқда», деди.

О.Сулаймон Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи Кенгаши хулосасига нисбатан берган адолатли жавоби тўғри эканини таъкидлади.

«Нухба» тадқиқот маркази (Миср) раҳбари Аҳмад Фода Ўзбекистон Ташқи ишлар вазир-

лигининг 2007 йил 15 майдаги баёноти билан танишиб чиққан, Ўзбекистонда жамиятнинг демократлаштириш жараёни муваффақиятли амалга оширилаётганига ишонч ҳосил қилганини айтди.

Унинг фикрича, Европа Иттифоқи Фарбга хос демократик қадриятларни бошқа мамлакатларга тикиштиришдан аввал муайян жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш ва янгиланишлар ушбу мамлакат аҳолисининг менталитетига асосланганини яхши англаб олиши даркор.

Қувайтда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёноти Ўзбекистон томонлар билан ҳолис мулоқотга тайёр эканини тасдиқловчи пухта ўйланган ҳақда аниқ далилларга асосланган ҳужжат сифатида баҳоланди.

Масалан, Арабистон очик университетининг Қувайт филиали директори, сиёсатшунос Фаҳд ал-Меқрад Ўзбекистонда бир неча марта бўлиб, бу ерда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ўзгаришлар жадал ва изчил амалга оширилаётганига шахсан ишонч ҳосил қилганини таъкидлади. Шу муносабат билан у давлат бошқарувини демократлаштириш, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, ислохотларни амалга ошириш жараёнида сиёсий

партияларнинг роли ҳамда ўрнини кучайтириш борасидаги ишлар муҳим самаралар бераётганини таъкидлади.

У дунёнинг барча мамлакатларида давлатга қарши жоннат ҳисобланган конституциявий тузумга таъжовуз қилишга оид факторларни текшириш мазкур давлатнинг ички иш экани ва бу жараёнга четдан аралашувларга асло йўл қўйиб бўлмаслигига эътиборни қаратди.

Фаҳд ал-Меқраднинг фикрича, Ўзбекистоннинг бир неча Европа экспертлари гуруҳларига 2005 йил май ойида Андижонда содир этилган воқеалар юзасидан тергов ва суд жараёнини материаллари билан танишишга руҳсат берган республика раҳбарияти мулоқотга тайёр эканининг яна бир далилидир.

Сиёсатшуноснинг хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг мазкур баёноти ўзини «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар» деб атайдиган баъзи кимсаларнинг гаразли, ҳақиқатдан йироқ баёнотларига таянмайдиган, Андижон воқеаларини текшириш натижаларини ҳисдан бузиб кўрсатишга ва Ўзбекистон талғанга демократик ислохотлар йўлининг тўғрилигини шубҳа остига қўйишга интиляётган айрим кучларга нисбатан аниқ далиллар билан исботланган жавоб сифатида кўриб чиқиш лозим.

Тошкентда «BEST SOFT — UZBEKISTAN-2007» дастурий маҳсулотлар биринчи миллий кўргазмаси очилди.

### Ахборот технологиялари намоийши

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги кўмағида Ўзбекистон Ахборот технологиялари қорхона ва ташкилотлари ассоциацияси (IT-ассоциация) томонидан ташкил этилди.

Кўргазмада бизнес-ҳамжамият вакиллари, ҳокимият органлари ва аҳолининг кенг қатламига мўлжалланган республика софтвер сановатининг мавжуд ҳамда истиқболли ютуқлари намоийш этилмоқда. Унинг 17 май кунини ўқатишличи бежиз эмас. Негатки, 2005 йилда Халқаро электр алоқа иттифоқи томонидан 17 май — «Халқаро ахборот ҳамжамияти кунини» деб эълон қилинган. Шу сабабли ҳам, бу галги кўргазма Ўзбекистоннинг халқаро ташаббусига қўшган ўзига хос хиссаси ҳисобланади.

Тадбирда ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритаётган 55 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий компания иштирок этмоқда. Уларнинг иқтисодлашув кўлами анча кенг. Булар тизимли интегратор — компаниялар, дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар ва ишлаб чиқарувчилар, контент-провайдерлар, ахборот технологияларидан фойдаланадиган креатив ечимлар генераторлари, илмий ва таълим институтлари.

(Давоми 2-бетда).

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 23 январда қабул қилинган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисидаги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан мамлакатимизда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур Қарорда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш ва қучайтириш, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган устувор вазифалар қаторида амалдаги ижтимоий муҳофаза тизими самарадор-

лигини янада оширишга, аҳолининг ижтимоий очор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилган.

ЎЗА мухбирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институти, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раисининг ўринбосари ИZZАТУЛЛО ТОЛИБОВ билан суҳбати шу ҳақда бўлди.

Қонунда ҳомиёлик мақсадларига батафсил таъриф берилган бўлиб, ҳомиёлик фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий томондан муҳофаза қилинаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳолини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли, ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатлари-

БАҒРИКЕНТЛИК ИФОДАСИ

— Юртбошимизнинг катта ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий аҳамиятга молик ушбу Қарори қонун ижодкорлиги фаолиятида муҳим дастурий амал бўлмоқда, — дейди И. Толибов. — Бугунги кунда республика-мизда ҳар томонлама мустахкам ҳуқуқий асосга эга ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилиб, амалга оширилмоқда. Айтиш мумкин, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилмаётган сиёсийнинг ҳуқуқий асослари ва қонуний меъёрларини янада такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

дан шу йил 29 мартда маъқулланган. Юртбошимиз томонидан 2 май куни тасдиқланган мазкур қонун матбуотда эълон қилинди. Янги қонун ҳомиёлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишининг асосларини белгилашга йўналтирилган бўлиб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан уни қўллаб-қувватлашнинг мавжуд шакллари, мамлакатимиз ҳудудида ҳомиёликнинг кенг ёйиш ва ривожлантириш мақсадларида ҳомиёлик ташкилотларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг хусусиятларини белгилашга хизмат қилади. Унинг қабул қилиниши ҳомиёлик фаолиятини тизимли ривожлантиришни таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитни, иқтисодий ва молиявий меҳ-

ни ҳимоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва бошқа шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш мақсадларида амалга оширилиши кўрсатилган. Ҳомиёлик фаолияти халқнинг кенг қамровли бўлишида янги имкониятлар очади. Ҳомиёлик (ҳомиёлик фаолияти), мазкур қонуннинг 3-моддасида таъкидланганидек, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомиёлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан, пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзлик шартларида беришда, улар учун ишлар бажаришда, хизматлар кўрсатишда ва уларни бошқара шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланган ижтимоий бегараз ёрдамдир.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳномалигида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жумладан, ногирон болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Инклюзив таълим — имконияти чекланган болалар ва ўсимирларни соғлом тенгдошлари билан бир хил шароитда ўқитиш ва тарбиялаш, демократик таълимнинг бу шакли ногирон болаларнинг қобилият ва иқтидорини намойён этиши, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилишида муҳим аҳамият касб этади.



ЎЗА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ суҳбатлашди.

ногирон болалар учун махсус ўқув марказини очган. Анжуманда сўзга чиққан «Special Olympics» ташкилоти вакили Мариан Мерфи юртимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳавас қиларли даражада эканини, бу ердаги тажриба бошқа кўплаб давлатлар учун намуна бўлиши мумкинлигини қайд этди. Россиядаги «Перспектива» жамоат ташкилоти директори Р. Денис, Қозғоғистон Халқ таълими вазирлиги вакили А.Айдарбекова мамлакатимизда инклюзив таълим соҳасида тулган тажрибага юксак баҳо берди. Шу мавзуда, ушбу анжуман ҳар жиҳатдан фойдали бўлганлигини таъкидлади.

Анжуманда инклюзив таълимни ривожлантириш учун мактабларда тегишли шарт-шароит яратиш, ўқув-услубий қўлланмалар ва бошқа ресурсларга бўлган талабни қондириш ҳамда имконияти чекланган болалар ва ўсимирлар билан иш олиб борадиган ўқитувчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва рағбатлантириш, таълимнинг бу шаклида узлуксизлигини таъминлаш, спорт, меҳнат ва санъат имкониятларидан кенг фойдаланиш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Э. ЁДГОРОВ, ЎЗА мухбири.

ИНВЕСТИЦИЯ — ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда яратилган имтиёз ва преференциялар тизими тўғрисида 2006 йилда иқтисодий тизимга жами 20 миллиард АҚШ доллари қўйиб, улардан 10 миллиард доллар инвестиция жалб этилди. Тўғридан-тўғри жалб этилган инвестициялар ҳажми эса 2000-2006 йиллар мобайнида 9,3 марта ошиб, 2,5 миллиард АҚШ долларига етди.

Кеча пойтахтимиздаги Халқаро алоқалар марказида «Узинфинвест» агентлигининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва хорижий ваколатхоналар, вазирлик ҳамда идоралар вакиллари, сармоядорлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, «Узинфинвест» агентлиги томонидан нефть-газ, кимё, машина-созлик, тўқимачилик, озиқ-овқат sanoati, қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, шунингдек, мева-сабзавотни қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари соҳаларига инвестицияларни жалб қилиш юзасидан умумий миқдори 3 млрд. АҚШ долларилик 60 та лойиҳа бўйича амалий иш олиб борилмоқда.

«Бактли болалик» — ГОЛИБ Навоий шахридаги «Фарҳод» маданият саройида бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Бактли болалик» болалар хореография ансамбли Москва шахрида ўтказилган учинчи Бутунжаҳон рақслари олимпиадасидан муваффақият билан қайтди. Улар жаҳоннинг 25 давлатидан ташриф буюрган жамоалар ўртасида «Миллий рақслар жозибаси» номинациясида ғолиблар қаторидан жой олди. Навоийлик ёш рақсчи ва рақсқолар ижросидаги «Бизнинг Ўзбекистони», «Фольклор» рақслари барчага манзур бўлди.

Бухоро вилояти Ғиждувон туманининг Ғишти қишлоғида замонавий савдо маркази иш бошлади. Марказ 3 та дўкон, 12 та савдо шохобчаси ва 45 ўринга эга бўлган ичмам борзордан иборат. Қишлоқда, шунингдек, машиини хизмат кўрсатиш уйи, фотосалон, саргарошона, кийимларни тозалаш пункти, соатсозлик, пойабзал ва теле-радио тузатиш устaxonалари, қуллончилик ҳамда мебель цехлари ҳам ишлаб турибди. Савдо маркази очилиши тўғрисида 37 киши мунтаза иш билан таъминланди.

«Туркистон-пресс»



ЎЗА мухбири Турсунбой БОТИРБЕКОВ суҳбатлашди.

қотаж маҳсулотлари Россия, Туркия каби бир қатор хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Қундан-қунга харидориги бўлиб бораётган бежирим либослар Дилноза Орифбоева, Муқаддам Кабирова (суратда) сингари моҳир чебарлар томонидан тикиляпти.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларида мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республикани ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечатган жараёнлар тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаолиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлари, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ўтказибатган «Жамият ва Мен» танлови давом этади.

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданият, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг боришини, тибийёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади. Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилида тайёрланган, 2 нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларида, «Жамият ва Мен» танловига-рунда 2006 йилнинг 1 сентябидан 2007 йилнинг 10 июнига қадар чоп этилган бўлиши шарт. Танлов ғолиблари «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни» байрами арафасида аниқланиб, тақдирландилар.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор идора ва муассасалар вакилларидан иборат нўфузли ҳайъат томонидан қўриб чиқилади ва баҳоланади. Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади. Танловга топширилган ижодий ишлар тақриб қилинмайди ва қайтарилмайди. Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2007 йил 15 июнга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mfm@uzrak.uz. Ташкилий кўмита

МАМЛАКАТ БҮЙЛАБ

«Ичан қалъа»да кўрғазма

«Шарқ-Ғарб». Тошкент чоррахаси» деб номланган долзарб фото ва видео санъати биринчи Тошкент фестивали қатнашчилари Хива шаҳрига ташриф буюрдилар. Улар биринчи кун Хиванинг «Ичан қалъа» музей-қўриқхонасида видео лавҳалар тайёрлашди. Хиванинг тарихий обидалари ва уларнинг сақланиши билан танидиладилар.

Фестиваль доирасида Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси рассомлари билан учрашув бўлиб ўтди. Таниқли рассомлар фестивал қатнашчиларига ўзларининг ижодий режалари ҳақида гапириб бердилар.

Ахборот технологиялари намойиши

(Давоми. Боши 1-бетда). Кўрғазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 30 майда қабул қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стратегик устувор вазифаларни амалга ошириш, жумладан, маҳаллий дастурий маҳсулот бозорини ривожлантиришга доир амалий чора-тадбирлар белги-лангани таъкидланди.

Бу борада мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон компаниялари кўплаб ўз ишланмаларига эга, дунёда дастурий маҳсулотлар яратилиш ва тарқатиш соҳасида етакчилик қилаётган корхоналар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган, республикамиз олий ўқув ўрнларида ёш дастурчилар тайёрланмоқда. Бунинг учун эса иттифодлаштирилган марказ ташкил этилди. Кўрғазма дастурида семинар ва анжуманлар ўтказиш, тақдимот дастурларини намойиш қилиш, соҳадаги сўнгги ютуқларни жорий этиш бўйича тажриба алмашиш кўзда тутилган. Шунингдек, кўрғазма доирасида «Энг яхши дастурий маҳсулот — йил маркази», «2006 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа», «IT-таълим соҳасидаги энг яхши компания» номинациялари бўйича республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтади.

Халқаро анжуман якунланди

Илғари хабар қилинганидек, пойтахтимизда ўтаётган «Ўзбекистон нефть ва газ — 2007» халқаро кўрғазмаси доирасида очилган «Ўзбекистон нефть ва газ sanoati: ривожланиш тамойиллари ва ҳамкорлик истиқболлари» мавзусидаги халқаро конференция якунланди.

Анжуманда Ўзбекистон нефть-газ sanoatiга хориқ сармоясини кенг жалб этиш, юртимиз ҳудудидаги янги нефть ва газ қонларини қидириб топиш ва ишга тушириш борасидаги халқаро ҳамкорлик истиқболларига бағишланган маърузалар тингланди. Қатнашчилар келгусида углеводород кенчисини қазиб олиш ва етказиб бериш ҳажмини ошириш, қонларни ўрганиш ва ўзлаштиришнинг муаммо ва истиқболлари ҳамда нефть ва газни қазиб олувчи, транзит ва истеъмол қилувчи мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликка оид масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

Биз Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида биланмиз, — деди «Delta Oil Company»нинг (Саудия Арабистони) Марказий ва Жанубий Осиё бўйича вице-президенти Чарльз Эдвард Сантос. — Нефть-газ sanoati соҳасидаги ҳамкорлигимиз яхши самаралар бермоқда. Тошкентда ўтган ушбу аъёнаний анжуман ва «Ўзбекистон нефть ва газ — 2007» халқаро кўрғазмаси ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қаршида Ҳиндистон маданияти кунлари

Қарши шаҳрида Ҳиндистон маданияти кунлари ўтказилди. Тадбир Тошкентдаги Ҳинд маданияти маркази томонидан уюштирилди.

М.Тошмухаммедов номли вилоят мусикали драма театрида намойиш этилган концерт дастурида Ҳиндистоннинг аъёнаний ва замонавий санъатидан намуналар намойиш этилди. Қарши Давлат университетиде бўлган мулоқотлар чоғида талаба ёшларнинг ҳинд халқининг урф-одатлари, маданияти, айниқса, қўшқичлик санъатида қизиқиши катта эканлиги аён бўлди. Ҳиндистонлик вакиллар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танидиладилар. Айниқса, Қаршининг 2700 йиллигида тикланади, азалий ҳолатига қайтган мейморий обидалар ултрада катта таассурот қолдирди.

«Сиз қонунни биласизми?»

Юнус Ражабий номдаги Жиззах Давлат мусикали драма театрида республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилаётган аъёнаний «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган жамоалар ўз билимдонликларини намойиш этиди. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига биноан, Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг «Ахурамазда» жамоаси кўрик-танловнинг мутлақ ғолиби, деб топилди. Зарбдор туманидаги 2-ихтисослашган иқтидорли болалар мактабининг «Хумо» жамоаси биринчи, Гурлан қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежининг «Қалқон» жамоаси иккинчи, Бухоро шаҳридаги иқтисодий ва банк коллежи ўқувчилари учинчи ўринни эгаллашди.

«Халқ сўзи» ва ЎЗА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

«Универсиада-2007»

**«Бу гал ҳам бўш келмаймиз»**

2004 йилда ўтказилган Универсиада мусобақалари самарқандлик талабаларнинг ҳамон ёдида. Улар ўшанда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаб, 11 та олтин, 12 та кумуш, 6 та бронза медалини қўлга киритишганди.

— Бу йил Тошкент шаҳрида ўтказилган «Универсиада-2007» мусобақалари талабаларимиз жиддий тайёргарлик қўришди. — деди Самарқанд Давлат университети «Жисмоний маданият назарияси асослари» кафедраси мудири Хамроқул Рофиев. — Мусобақаларда 139 нафар спортчи иштирок этди. Мақсади — аввалги ютуқларимизни мустаҳкамлаш. Самарқандлик спортчилар Тошкент Универсиадада дзюдо, шахмат, белбоғли кураш, волейбол, қўл түпи, енгил атлетика каби спорт турлари бўйича юқори ўринларни олиш ниятидалар.

Абдураул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



— «Фаллабанк»нинг виллоят бўлими химмати билан неча йиллардан бери бўш турган молхонамига сигир олиб кирилди. — суҳбатга қўшилиди Солижоннинг қўшниси Фотимахон Норматова. — Мендан ҳам кўра, беш нафар фарзандимнинг қувонганини бир кўрсангиз эди! Ахир сариёғ, қаймоқ, сут билан нонушта қилганга не етсин?!

«Шодиёна» маҳалласида яшовчи Мавлудахон Тошалиева ҳам ҳомиёларни қайта-қайта дуо қилмоқда. Унинг турмуш йўлдоши бир умр Фарғона нефтини қайта ишлаш корхонасида ишлаган. Оила бошлиғи сиз қийналиб юрган кунларнинг бирида марҳум эрининг корхонасидан бир гуруҳ кишилар уйига келиб, соғин сигир ҳадя қилишди. Шунга бир неча ой бўлди. Бугун оиланинг дастурхонидан сут, қатиқ, қаймоқ аримайпти.

Булар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги 308-қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллари, биринчи навбатда, қорамоллар

— Бугунги замонимиздан, Истиқлол шарофатидан айланайин, — дейди Фарғона шаҳридаги «Жўдам» маҳалласида истиқомат қилувчи Солижон Раҳимов. — Бугун шаҳарликларга ҳам уйда ҳайвон ушлаш учун кўмак берилапти. Айниқса, эҳтиёжманд, қўли калта оилаларга сигир туҳфа қилинаётганидан ҳамма хурсанд. Бундай хайр-саховат қайси замонда бўлган? Ҳокимлик ва маҳалла ҳамда «Санотқурилишбанк» вакиллари уйимизга соғин сигир етаклаб келган кунни унутмайман.

**БИР КОСА СУТ**

дастурхонга файз, кўзга нур, танга қувват бағишлайди

сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чоратadbirlари тўғрисидаги қарори асосида Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан амалга оширилаётган тадбирлардан бир шингил, холос.

Ишлаб чиқилган дастурга кўра, ўтган йили эҳтиёжманд, кўп болали, кам таъминланган, мактаб ёшидаги

**Қарор ва ижро**

фарзандлари кўп оилалардан 94 тасига Бепул сигир берилган эди. Бу йил яна 300 оилага қорамоллар совға қилиш режалаштирилган. Биринчи чоракнинг ўзида эса ҳомиёлар томонидан 90 дан ортиқ эҳтиёжманд оилалар кўрасига ҳайвон боғланди.

Айниқса, бу борада Фарғона нефтини қайта ишлаш заводи, «Фарғона-азот», «Фарғонадон» ҳиссадорлик жамиятлари, механика ва пахта тозалаш корхоналари, «Асакабанк», «Карим ота» фермер хўжалиги жамоаларининг саховат ва мурувватлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Шаҳарда, шунингдек, чорвачилик-

ни ривожлантиришнинг бошқа йўллари ҳам изланапти, янги манбалар қидириляпти. Хусусан, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришга астойдил бел боғлаган ишбилармонларга тижорат банклари томонидан ўтган уч ой мобайнида 135 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. Бу белгиланганидан 45 миллион сўм кўпдир.

Ана шу хайрли ишларнинг самараси ҳозирданок кўзга ташланиб қолди. Қатиқ, қаймоқ, янги соғилган сутни ҳатто шаҳарнинг маҳалла бозорларидан ҳам харид қилиш мумкин. Гушт нархи эса 4500 сўмдан 3700 сўмга тушди.

Юртбошимизнинг «Савоб ишни ҳар ким, ҳар кунни қилиши керак» деган пурҳикмат сўзларига амал қилаётган фарғоналик саховатпеша, олийҳиммат кишиларнинг ниятлари ҳали кўп. Улар шаҳар маҳаллаларида яшовчи, кам таъминланган ҳар бир оила кўрасида қорамол бўлишига эришмоқчилар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

ҲУРМАТЛИ ҲАМКОРЛАР ВА МИЖОЗЛАР!

Тошкент шаҳри телефон тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш режасига кўра, республика Кўчмас мулк биржаси марказий апаратининг 399 билан бошланган барча телефон рақамлари 2007 йил 15 майдан ўзгарганлигини маълум қиламиз.

МАСАЛАН, РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ КАБУЛХОНАСИ 399-80-31 ДАН 228-80-31 ГА ЎЗГАРТИРИЛДИ.

Қолган телефонларимизнинг бош рақамлари ҳам худди шу тартибда ўзгартирилди.

**ЖАҲОН**

24 соат ичида

**Эзгулик поездлари**

Жанубий ва Шимолий Корея ўртасидаги худуддан қарама-қарши йўналиш бўйича иккита йўловчи поезд чегарани кесиб ўтди.

Ушбу темир йўлдан ярим асрдан кўпроқ вақт поезд ўтмаганди. Бу поездларнинг ўтиши икки мамлакат ўртасидаги совуқ муносабатларнинг яхшиланишида ижобий омил бўлиши эътироф этиляпти. Ҳар бир поездда 150 нафардан йўловчилар бўлиб, улар чегаранинг нариги томонидаги қариндош-уруғларини кўришга келишди.



**Хавотир билдирди**

АҚШ Россиянинг Мьянма билан мамлакатда ядро тадқиқотлари маркази қуриш бўйича келишувига ўз норозилигини билдирди.

Оқ уйнинг хавотирига кўра, Мьянмада на маъмурий, на қонуний жиҳатдан бундай тадқиқот маркази қуришга етарли шароит йўқ. АҚШ Давлат департаменти расмий вакилининг сўзларига кўра, ушбу тадқиқот марказида бирор қори ҳол рўй бермаслигига ёки ядро қуроли тарқалмаслигига ҳеч қандай кафолат бера олмайди.

**Зиддият кучаймоқда**

Куни кеча Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббос ва Бош вазир Исмоил Хания янгидан тинчлик битими имзолаган бўлса-да, «ФАТХ» ва «ҲАМАС» тарафдорлари ўртасидаги зиддият янада авж олиб бормоқда. Сўнгги бир кун давомида Ғазо секторида юз берган отишмалар чоғида 19 киши ҳалок бўлди. Ўтган яшанба куни эса тўқнашувлар оқибатида 42 киши оламдан кўз юмган эди.

**Музокара — мураса демак**

Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилоти Россияни аъзоликка қабул қилиш масаласида расмий Москва музокаралар ўтказишга таклиф этди.

Айни пайтда 30 та мамлакатни бирлаштирган мазкур халқаро ташкилот Россия билан бирга Эстония, Чили, Исроил ва Словения давлатларини ҳам музокарага чорламоқда. Таъкидлаш керакики, ушбу уюшмага асосан иқтисодиёти ривожланган давлатлар аъзо. Россия Ташқи ишлар вазирлигининг иқтисодий ҳамкорлик бўйича департаменти раҳбари Андрей Кондаков расмий Москва бу таклифни 11 йил кутганини қайд этди.



**Харажатлар қисқаради**

Италиянинг икки йирик банки — «UniCredit» ва «Capitalia» яқин орада бирлашиши орқали Низом жамғармаси 130 миллиард долларлик банк вужудга келиши кутиляпти. Бу масалада ҳали расмий келишувга эришилмаган бўлса-да, экспертлар келгуси ҳафтада шартнома имзоланиши мумкинлигини билдиришди. Таҳлилчиларнинг сўзларига қараганда, мазкур бирлашиш икки компаниянинг харажатларини 1,6 миллиард долларга қисқартиради.

**Суюнчиға — 200 минг доллар**

АҚШ Мудофаа вазирлиги Ироқда бедарак йўқолган ҳарбийларни топишга ёрдам берадиган маълумотни тақдим этган кишига 200 минг доллар ваъда қилмоқда. Уч нафар америкалик ҳарбий шамба куни Маҳмудия шаҳрида дом-дараксиз йўқолганди. «Ироқ ислом давлати» гуруҳи жангарилари бедарак кетган ҳарбийлар гаровга олинганлигини айтишди.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**ТАШКИЛОТ БЎШ (ВАКАНТ) ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

БОШ ДИРЕКТОР ЁРДАМЧИСИ

**Талаблар:**  
- маълумоти — олий, жаҳон тиллари университетини тамомлаган бўлса, мақсадга мувофиқ;  
- ўзбек, рус ва инглиз тилларини муккамал билиши;  
- «В» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномасига эга;  
- ёши 30 дан ошмаган бўлиши керак.

Маош — 300 000 сўм ва ундан юқори.


ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ БЎЙИЧА МУТАХАССИС

**Талаблар:**  
- маълумоти — олий;  
- меҳнат стажы — камида 5 йил;  
- ўзбек, рус ва инглиз тилларини билиши;  
- ёши 40 дан ошмаган бўлиши керак.

Кизиқиб билдирган номзодлар ўзлари ҳақидаги маълумотларни куйидаги факслар орқали юборишлари мумкин: (998 71) 150-01-11, 150-11-55, 150-54-31. E-mail: chermetgroup@etc.uz

**КУПЮРОСЧЕТНЫЕ МАШИНЫ**

**Magner 35 S**  
(СО СКЛАДА В Г.ТАШКЕНТ)  
ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ ЯПОНИИ



А ТАКЖЕ, ПРОСМОТРОВЫЕ ДЕТЕКТОРЫ ВАЛЮТ, ВСЕ СПЕКТР БАНКОВСКОЙ ТЕХНИКИ, КОМПЬЮТЕРЫ И КОМПЛЕКТУЮЩИЕ К НИМ

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

ООО «ABL\_SOFT & S S», ул. КАЛАНОВА, 28.  
ТЕЛ.: (+998 71) 399-80-10, 399-80-11, 393-85-64  
www.abisoft.uz

**«SITWET INVEST» ҚҚ**

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент виллоятларида дилерликка мойил бўлганларни ишга таклиф этади.

Дилернинг асосий вазифаси кўша корхонада ишлаб чиқарилган ва оморда мавжуд бўлган куйидаги маҳсулотларни сотишдир:

- фермер ва деҳқонлар ишлатадиган 80 см. лик пёвз, қарам ва бошқаларни солиш учун тўр қоплар;
- фермер ва деҳқонлар учун хўжалиқлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лента-арқон (лента-шпагат);
- сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шпагат);
- юк автомобиллари учун автошиналар (240-508R, 260-508R, 280-508R).

Маҳсулотлар сертификатланган. Меҳнат ҳақи — келишилган ҳолда.

Телефонлар: 135-09-23, 142-50-34. Манзил: Тошкент шаҳри, «Албан» даҳаси, Хуршид кўчаси, 1-«Б» уй.

**TRIPLE PLAY**

IP-телевидение  
ADSL-интернет  
телефония

Впервые в Узбекистане!

Подключайтесь уже сейчас!!!

www.tripleplay.uz 150-00-00  
Услуги лицензированы

Товар сертифицирован

**NISSAN**

100% ГАРАНТИЯ

цены указаны без учета таможенных платежей

**195-88-77 ВСЕХ МОДЕЛЬНЫЙ РЯД ОТ 14 500** у.е. + подарок

**SHOSH INVEST GROUP** ПРЕДЛАГАЕТ ПРЯМЫЕ ПОСТАВКИ  
Срок поставки — май — июль.

в партнерстве с компаниями «HYUNDAI» (Корея),  
ОАО «Промтрактор» (Россия), «SANY» (Китай), «Caterpillar» (США):

<p><b>Экскаваторы «SANY»</b> объем ковша 0,39 — 1,5 м³ мощность 126 — 178 л.с.</p>	<p><b>Колесные мини-погрузчики «HYUNDAI», «СММС»</b> объем ковша 0,37 — 1 м³ мощность 68 л.с.</p>	<p><b>Экскаваторы «HYUNDAI», «Caterpillar»</b> объем ковша 0,23 — 2,5 м³ мощность 115 — 178 л.с.</p>	<p><b>Экскаваторы «HYUNDAI»</b> объем ковша 0,23 — 1,5 м³ мощность 115 — 178 л.с.</p>	<p><b>Самосвалы «HYUNDAI»</b> грузоподъемность 10 — 40 тн.</p>
--	---	--	---	--

1. 100% — аккредитив в национальной валюте.  
2. 30-50% — предоплата, оставшаяся сумма от 13 месяцев — в лизинг.

ОПЛАТА — В СУМАХ.

100000, г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Афросиаб, 12-Б.  
Тел. (+99871) 140-07-22. Тел./факс 120-33-46. E-mail: shosh\_invest@mail.ru

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**


ЭЪЛОНЛАР  
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

**136-09-25**  
**132-10-63**

242-хона

E-mail: Xalk\_suzi@rambler.ru



Бугун — Халқаро музейлар куни

Музейлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ўз ичига қамраб олган бебаҳо маданий маскандир. Пойтахтимизнинг Навоий кўчасида жойлашган ЎзР ФАнинг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи ҳам ўзида бой маънавий меросимиз хазинасини жамлаган. Жуда катта китоб ва қўлёзма фондига эга маънавий музей экспозициялари мозийдан садо бериб турибди. Музей Халқаро музейлар кенгаши (ИСОМ) ташкилоти аъзосидир.

ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

— Бу маънавий-маърифий даргоҳда халқимизнинг кўп асрлик ижодини жамлаш, муҳофазалаш, тарғиб ва тадқиқ, этиш борасида катта ишлар амалга ошириб келинмоқда, — дейди биз билан суҳбатда музей директори, филология фанлари доктори Саидбек Хасанов. — Ўтган давр давомида музейнинг XV-XX аср адабиёти тарихини намойиш этувчи бой экспозицияси яратилди. Бу ерга ташриф буюрганлар қадим адабий тарихимизнинг ноёб дурдоналаридан баҳраманд бўлиш билан бирга, Урта Осиё маданияти ва санъатининг бадиий намуналари — китоб, тасвирий санъат, хаттотлик, нақшотлик, муҳри ва меъморчилик асарлари билан ҳам танишиш имкониятига эгадирлар. Қўрғазма залларидан 17000 дан ортиқ тасвирий санъат ва ўймакорлик асарлари, портретлар, миниатюралар, ноёб археологик ёдгорликлар, халқ амалий санъати намуналари жой олган.

харобий, Хумулий, Мирзо Хоразмийнинг девонлари (булардан айримлари дастхат нусхалар) мукаммал тавсифи нашр этилди. — Қадимийлиги, нодирлиги ҳамда ягоналиги билан ажралиб турадиган асарлар тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз. — Саҳбо «Девон»нинг қўлёзмалари, хоразмий шоир Ризий Пайвандийнинг «Кўш тили» асари ягона нусхалардир. Хозирча Саҳбо ҳаёти ва

моқчи эканликларини айтишди. Бу иш 2008 йил охиридаги илмий муомалага киритилиши мўлжалланмоқда. — Музей заллари билан эканлиги, Бобур ижоди билан боғлиқ қўлаб қўлёзма манбаларни ҳам учратдик. Ва ҳаёлимиздан бир фикр ўтди: уларни дунёнинг турли бурчакларидан келтириб, жамлаш осон кечмагандир? — Музейимизда шу кунгача ишлаб кетган ва айна пайт-

ларини таржима қилиб, ўзбек адабиётини Хиндистонда тарғиб этишда алоҳида ўрнатқучлар. Бобурнинг Маънавий музейда сақланган ва ўзи ихтиро қилган хат билан ёзилган «Қуръони Карим» қўлёзма нусхасининг Ватанимизга келтирилиши эса маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. — Мустақиллик йилларида музей фаолиятида қандай ижобий ўзгаришлар бўй берди? — Бу борада Президентимиз имзолаган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон (1998 йил, 12 январь) ҳамда Маънавий музейнинг «Республика музейлари фаолиятини яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори (1994 йил, 23 декабрь) дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Хар икки ҳужжат асосида фаолиятимизни тафтиш қилиб чиқдик, десам янглишмаган бўламан. Натижада фондими 1000 дан ортиқ қўлёзмалар билан бойиди. Бобур «Девон»и, Юртбошимиз томонидан тўққа этилган Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» девонининг нодир нусхаси каби қўлёзмалар шулар жумласига қиради.



ижоди ҳақида Садриддин Айнийнинг «Тожиқ адабиёти намуналари» рисоласидан маълумотга эгамиз, холос. «Девон» муаллифининг ҳаёти ва ижоди билан махсус шуғулланишнинг XIX аср адабий ҳаётида турган ўрнини аниқлашга имкон беради. Насрий асарлардан «Калила ва Димна»нинг 1323 йилда Бағдатда кўчирилган нусхасини ҳам айтиб ўтмоқ лозим. Замахшарийнинг «Муқаддамат ул-адаб» лугатининг 1920 йил Бухорода Мирзо Мавлоно валади Мирзо Икром Бухорий томонидан кўчирилган нусхаси исзис йўқолган асл Бухоро нусхасидан кўчирмадир. Яқинда япониялик икки олим — Канада университетини профессори Кано Хирооми билан Токио университетини доценти Сайто Йошио музейимизга ташриф буюриб, «Муқаддамат ул-адаб» қўлёзма нусхасининг факсимил наشريни ҳамкорликда амалга ошир-

да фаолият кўрсатаётган олимларнинг захматли меҳнати «Тоққа чикмасанг, дўлана қайда?» мақолини эслатади. Бобурга тегишли қўлёзмалар Хиндистоннинг Делли, Калькутта ва Мадрас шаҳарларида қўлёзмалар хазинасидан келтирилган бўлиб, улар асосида қатор монография, илмий-танқидий матнлар ва мақолалар нашр қилинди. Натижада Хиндистонда туркий халқлар адабиётига муносиб ҳисса қўшган шоир, олим ва моҳир таржимонлар юзга чиқа бошлади. Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо, ҳинд ва ўзбек адабий алоқаларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бобурийлар авлодидан бўлган Мирзо Алибаҳт Афғоний Кўрагонийнинг қўлёзмалари фикримиз исботидир. Хусусан, Мирзо Алибаҳт Афғоний Кўрагоний турли соҳаларга оид асарлар яратиш билан бирга, Навоий ва Бобур асар-

Гулчохра Йўлдошова суҳбатлашди.


Давлат, ҳуқуқий ва маънавий шакли турли бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

ошхоналар учун қуйидаги технологик ускуналарни етказиб бериш бўйича ўтказиладиган тендер мuddати 2007 йил 21 майдан 21 июнгача узайтирилганлигини эълон қилади:



картошка тозалайдиган машина; умумий ишларни бажарадиган ошхона универсал машинаси; идиш-товоқ ювиш машинаси; биринчи ва иккинчи таомлар учун кўчма электр мармитлари; механик гўштқиймалагич; 100 литр ҳажмгача бўлган махсус овқат пишириш қозонлари; 0,24-0,34 кв.м.ли электр плитаси; 0,48-0,51 кв.м.ли электр плитаси; электр това (сковорода); картошка қовурадиган электр идиш (фритюрница); нон кесадиган механик асбоб; электр қовуриш шкафи; новвой шкафи; паст ҳароратли музлатиш камераси; ўрта ҳароратли музлатиш камераси; музлатиш шкафи; кўчма ванна; ПКС-3 М русумидаги кўчма ошхона; ХП-0,4 новвойхонаси; ПП-40 кўчма плитаси; устахона (МРХТО-53 ускунаси) билан; сув учун МЦПТ-5,5 русумидаги автомобиль-цистерна; ярим тиркама рефрижераторли автомобиль; изометрик автомобиль-фургон; нон ташийдиган автомобиль-фургон; мужассамланган автомобиль-фургон; «ШМЕЛЬ» русумидаги примус; КН-10 русумидаги ошхона тўплами; КН-5 Э русумидаги ошхона тўплами; КП-30-01 кўчма ошхонаси; микротўқинли печь; котлет тайёрлайдиган автомат; фитобар учун ускуналар; ТВН-12 термоси; ТН-36 термоси; маиший электр музлатгич; электрон стол тарозилари; 500 кг. гача тортадиган тарозилар; алюминий ёки зангламайдиган пўлатдан ишланган (400 та манти пишира оладиган) қасқон; ўзига-ўзи хизмат қилиш линияси.



Тендер ҳужжатларини олиш учун 75 000 сўмини Тошкент шаҳри «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказиш лозим: 20210000903962263002, МФО 00444, ИНН 202692074, ОКОНХ 80100.

Тендер таклифларини қабул қилишининг сўнгги мuddати — 2007 йил 21 июнь соат 12.00 гача.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-88-02.

Давлат, ҳуқуқий ва маънавий шакли турли бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги лаборатория ускуналарини етказиб бериш бўйича 2007 йил 10 апрелдан 10 майгача ўтказилган ТЕНДЕР ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«FORTEK» МЧЖ


- ⇒ EB53 қуритиш шкафи
⇒ микробиологик инкубатор
⇒ сокслет аппарати
⇒ муфель печи
⇒ асал сифатини аниқлайдиган рефрактометр
⇒ диодноматриқ спектрофотометр

- ⇒ лаборатория центрифугаси
⇒ сут центрифугаси
⇒ автоклав

«NAVRO`Z-FT» МЧЖ

- ⇒ сув билан иситиш ускунаси
⇒ НВ 43 намлик анализатори
⇒ ўта аниқ тортадиган электрон тарозилар
⇒ икки каналли рН иономер (электрод билан).

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 169-88-54, 169-86-22.



Болалар оромгоҳи тайёрми?

Қашқадарё вилоятида ёз ойларида ўқувчиларнинг мазмунли дам олишини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ туманларининг тоғолди ҳудудларида болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари тармоғини кенгайтириш учун катта имкониятлар бор.

Хусусан, «Шўртан газ-кимё» мажмуининг «Лочин», Муборак нефть ва газ қонлири бошқармасининг «Ёш алангачи» оромгоҳлари каби замонавий соғломлаштириш муассасаларида болалар-

Анжуман

нинг кўнгилли хордиқ чиқариши, жисмоний чиниқиши учун барча шартнон яратилган.

Бу йил вилоятдаги 20 та болалар соғломлаштириш оромгоҳида 21 мингдан ортиқ ўқувчи дам олади. «Меҳрибонлик уйлари»нинг тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун бепул ва имтиёзли йўланмалар ажратилади. Бундан ташқари, Беруний номли оромгоҳда қорақалпоғистонлик 175 нафар мактаб ўқувчисининг дам олишини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бу йил биринчи марта чет эллардан ҳам болалар Қашқадарё оромгоҳларига келиб дам олади. Бу ҳақда Туркия ва Украина давлатлари вакиллари билан шартнома тузилган.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раёсатининг вилоятда бўлиб ўтган сайёр мажлисида ва болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ташкилотчиларининг республика семинарида бу ҳақда батафсил фикр юритилди.

Семинар катташчилари Шахрисабз туманидаги «Лочин» болалар оромгоҳида бўлиб, мавсумга тайёрларининг бориши билан танишдилар.

Б.НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Российский линолеум
Обои
Виниловые
Форма оплаты — Любая
Товар сертифицирован
тел. 134-48-11
факс 134-49-58

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хуна таълими маркази жамоаси Т.Н.Қорн Ибнезий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, профессор Рибой Хайдарович Жўраева синглиси
Гулқиз Жўраева
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «Ўзбекино» Миллий агентлиги бош директори Уринбосари Жаҳонгир Қосимовга падали бузруквор
МИРСОБИТ отанинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси «O'zbekiston» телерадиоканали давлат унитар корхонаси иқтисодий бўлими бош мутахассиси Қобил Зоҳидовга падали бузруквор
ФАЙЗУЛЛА отанинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.
«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси хавфли ишлаб чиқаришлар ва объектларни экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш бўлими бош мутахассиси Олия Сотиболдиевага онаси
ШАРИФА аянинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Умумий таълим соҳаси» кафедраси доценти Шоқабар ШОАЗИЗОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси «Ипак технологияси» кафедраси профессори, техника фанлари доктори Ҳалима Алимвага акаси
Аъзамжон АЛИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТУРКИЯНИНГ «МЕРИДИАН» ХАЛҚАРО КОМПАНИЯСИ
СИЗЛАРНИ 2007 ЙИЛ 23-26 МАЙ КУНЛАРИ «O'ZKO'RGAZMASAVDO» МАЖМУАСИДА ЗАМОНАВИЙ КИЙИМ-КЕЧАК ВА МАТОЛАР, УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖИҲОЗЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИГАН «ЎЗБЕК ФЕЙШН ЭНД ТЕКСТИЛЬ» ВА «ЎЗБЕК ИНДУСТРИАЛ ЭКСПО-2007»
КЎРГАЗМАЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.
КЎРГАЗМА ДАВОМИДА СИЗНИ АЖОЙИБ СЮРПРИЗЛАР КУТАДИ. ТАШРИФ — БЕПУЛ.
МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ Ш., БЕРУНИЙ К., 41-УЙ (МЕТРОНИНГ «БЕРУНИЙ» БЕКАТИ). МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 393-10-52, 227-10-52.
MERIDYEN INTERNATIONAL FAIR ORGANIZATION
Чуқурроқ маълумот
СМТ

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 456. 33493 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 03.00. Топширилди — 03.35 2 3 4 5 6
МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ТСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — М. Жонхонов.
Мусаххат — Ш. Машраббеов.